# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

2018 йил “5” декабрь №985 Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 980-сон қарори ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги “Раҳбарлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ходимларни доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида”ги 980-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2009 йил 28 августда тасдиқланган 11-10-сонли “Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартиби”га мувофиқ

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда олий таълим муассасалари ректорларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги “Раҳбарлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ходимларни доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида”ги 980-сон қарори раҳбарлик ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклатилсин.

**Вазир в.в.б.** **О.Абдурахманов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3 декабрь 2018 й.г. № 980 Toshkent sh.

**Раҳбарлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ходимларни доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 24 июлдаги ПФ-5120-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги $11^1$-банд қўшилсин:

"$11^1$. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги".

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«3» декабря 2018 у. № 980 Toshkent sh.

**О внесении дополнения в Перечень органов государственной власти, органов государственного и хозяйственного управления, других государственных организаций республиканского значения, руководители которых могут ходатайствовать о постоянной прописке работников в городе Ташкенте и Ташкентской области**

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 24 июля 2017 г. № УП-5120 «О мерах по внедрению системы проектного управления в Республике Узбекистан» Кабинет Министров постановляет:

1. Перечень органов государственной власти, органов государственного и хозяйственного управления, других государственных организаций республиканского значения, руководители которых могут ходатайствовать о постоянной прописке работников в городе Ташкенте и Ташкентской области, утвержденный постановлением Кабинета Министров от 7 октября 2016 г. № 336 (СП Республики Узбекистан, 2016 г., № 10, ст. 89), дополнить пунктом $11^1$ следующего содержания:

«$11^1$. Национальное агентство проектного управления при Президенте Республики Узбекистан».

2. Министерству внутренних дел Республики Узбекистан совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в месячный срок привести принятые ими нормативно-правовые акты в соответствие с настоящим постановлением.

3. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на министра внутренних дел Республики Узбекистан Бобожонова П.Р.

**Премьер-министр Республики Узбекистан** **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI UMUMIY BO’LIM № 1